

**ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ АСОСИДА
БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Жалолиддин Алишер ўғли Нуркулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети,
Амалий математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

Аннотация

Келтирилган ушбу мақолада таълим самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш босқичлари асосида бошқарув тизимларини ташкил этиш ҳақида тушунча ва тавсиялар берилган. Мақолада ўқув жараёнига компьютер технологияларининг қўлланилишини асосан икки йўналишда олиб бориш мумкинлиги яъни компьютер-ўрганиш объекти ва ўқитиш воситаси сифатида. Биринчидан билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида компьютер имкониятларани тушуниш ва компьютер саводхонлигини оширишга олиб келса, иккинчидан компьютер билим беришнинг самарадорлигини оширадиган восита ҳисобланади. Янги ахборот технологияларининг яратилиш динамикаси бешта босқичи ҳақида янги таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: компьютер техникаси, замонавий алоқа воситалари интернет, компьютер, маълумотни узатиш, конструктив, техника, инновацион технология.

Аннотация: В данной статье представлены выводы и рекомендации по организации систем управления на основе этапов использования информационных технологий для повышения эффективности образования. В статье применение компьютерных технологий к образовательному процессу может осуществляться в основном в двух направлениях, то есть как компьютерный объект обучения и как средство обучения. Во-первых, в процессе приобретения знаний и навыков компьютер приводит к пониманию возможностей и повышению компьютерной грамотности, во-вторых, компьютер рассматривается как инструмент, повышающий эффективность передачи знаний.

Ключевые слова: вычислительная техника, современные средства связи Интернет, компьютер, передача данных, технология, инновационная технология.

Annotation: This article provides insights and recommendations on the organization of management systems based on the stages of using information technologies to improve educational efficiency. In the article, the application of computer technologies to the educational process can be carried out mainly in two directions, that is, as a computer-learning

object and as a teaching tool. Firstly, in the process of acquiring knowledge and skills, the computer leads to the understanding of possibilities and increasing computer literacy, and secondly, the computer is considered a tool that increases the efficiency of imparting knowledge.

Keywords: computer technology, modern means of communication Internet, computer, data transmission, technology, innovative technology.

Республикамиз таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Таълим жараёнида миллий дастурнинг дастлабки икки босқичи бажарилишини таҳлил этиш ва бу даврлардаги тўпланган тажрибаларни умумлаштириш асосида мамлакатимизнинг истикболдаги ижтимоий-сиёсий ривожланишига мос бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантиришдек долзарб муаммоларни ечиш ҳозирда вазифа қилиб қўйилган. Анъанавий таълим методикаси ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш ундаги бой педагогик тажриба ва ғоялардан унумли фойдаланган ҳолда замонавий педагогик технологиялар асосида республикамиз таълимига мос бўлган янги педагогик технологияларни яратиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Таълим тизимида ўқитиш муммоларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш натижасида, ўқитиладиган барча фанлар ва ўқув предметлари инсониятнинг камолга етиши йўлида ўзининг кучли тарбиявий имкониятларини ишга солиши лозимлиги, бу эса таълимни ривожлантириш орқали рўёбга чиқиши ва шу боисдан ҳам ўқув жараёнини ривожлантириш орқали таълим ва тарбияда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Фан ва техниканинг ривожланиши ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимини, жумладан, унинг тамойиллари, мазмуни, таълим -тарбия жараёни тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бундай муаммолардан бири бу таълим жараёнига янги ахборот технологияларининг қўлланилишидир.

Ўқув жараёнига компьютер технологияларининг қўлланилишини асосан икки йўналишда олиб бориш мумкин: компьютер-ўрганиш объекти ва ўқитиш воситаси сифатида. Биринчидан билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида компьютер имкониятларини тушуниш ва компьютер саводхонлигини оширишга олиб келса, иккинчидан компьютер билим беришнинг самарадорлигини оширадиган восита хисобланади.

Янги ахборот технологияларининг яратилиш динамикаси бешта босқичдан иборат:

- дарс жараёнида қисман фойдаланишга мўлжалланган дастурларнинг пайдо бўлиши (бу босқич ўтди);
- дастурлардан жадал фойдаланиш, системалаштириш, тўпланаган маълумотларни баҳолаш, тажрибалар ўтказиш, келажакни ва имкониятларни баҳолашни танқидий таҳлил қилиш (бу босқич тугамоқда);

- умумтаълимий дастурланган педагогик маҳсулотларни қўллаш ва ахборот технологияларининг яратилишига оид тажрибалар умумлаштирилиши, дастурларни қўллашни методик асослаш, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини таъминлаш (бу босқич бошланди);
 - мактаб курсини янги ўқитиш технологияларига ўтказиш, ахборот технологияларини баъзи мавзуларини ўрганишда кенг қўллаш, дарсга тайёргарлик кўришлари ва ўқув жараёнини бошқариш учун ўқитувчиларнинг компьютер билан ишлаш вақтини узайтириш, алтернатив таълим методи сифатида янги ахборот технологияларини қўллашга ўтиш, анъанавий таълим методикаси шароитида баъзи мавзуларни дастурлаштирилган педагогик маҳсулотлардан фаол фойдаланишга ўтиш (бу босқич бошланмоқда);
 - янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик тажрибаси ижобий натижага олиб келган фанлар мазмун ва методларини қайта қараб чиқиш ҳамда таълимни тўла янги ахборот технологиялари асосида ташкиллаштириш (бу босқич уйғунлаштириш даври дейилади).
- Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнига замонавий педагогик ва компьютер технологияларни қўллаш жараёнида юқорида кўрсатилган фикр, мулоҳаза ва таклифлар эътиборга олинса таълим самарадорлиги янада ошади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Ишмухаммадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.
4. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
5. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.
6. Нурқулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
7. Раджабов Б.Ш., Хидирова Ч.М. Ўқув жараёнини виртуаллаштириш тизимининг компоненталари ва дастурий таъминоти. //ТАТУ хабарлари, 2009. №3. Б. 83-85.